


«ТАСДИҚЛАНГАН»

«СНОУКНОНА» АЖ Кузатув кенгашининг
2025 йил «22» декабрдаги Қарори билан
(2025 йил «22» декабрдаги 6-2025-сонли
баённома)



«СНОУКНОНА» АЖ Кузатув кенгаши раиси
Жалолов А.М.
2025 йил «22» декабрь

«РЎЙХАТДАН ЎТКАЗИЛГАН»

Ўзбекистон Республикаси Истиқболли
лойиҳалар миллий агентлиги

Директорнинг биринчи ўринбосари



Пак Вячеслав Юрьевич

2025 йил «30» декабрь

P1067-2 - сон

М.Ў.

АКЦИЯЛАРНИ ҚЎШИМЧА ЧИҚАРИЛИШИ ТЎҒРИСИДАГИ ҚАРОР

«СНОУКНОНА» АКSIYADORLIK JAMIYATI

| | | | | | | | | | | | | |
|----------------------------------|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| Идентификация рақами берилди: | R | U | 1 | 0 | 2 | P | 1 | 0 | 6 | 7 | T | 0 |
|----------------------------------|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|

ҳар бирининг номинал қиймати **1 000** (минг) сўм бўлган **10 000 000** (ўн миллион дона) дона
эғасининг номи ёзилган оддий ҳужжатсиз акциялар


Мазкур чиқарилишдаги акциялар **ёпиқ обуна** усулида жойлаштирилади.

Акцияларнинг ушбу чиқарилиши **иккинчи** чиқарилишдир.

Акциялар чиқарилиши тўғрисидаги қарор «СНОУКНОНА» АЖ Кув кенгаши мажлисининг
2025 йил «22» декабрдаги 6-2025-сон баённомаси билан тасдиқланган, «СНОУКНОНА» АЖ
Кузатув кенгаши мажлисининг 2025 йил «22» декабрдаги 6-2025-сон баённомаси асосида
акциялар чиқарилиши тўғрисида қарор қабул қилинган.


**Эмитентнинг жойлашган жойи, почта манзили, мулоқот телефонлари ва электрон
почта манзили:** 100070, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳар, Яккасарой тумани,
Шота Руставели кўчаси, 32А; электрон почта: info@iWon.uz; телефон:(+998 99) 889-86-01.

Бош директор



Ахмедов Шерзод Марифджанович

Бош бухгалтер



Абдуллаева Азиза Абдусаттор қизи



«22» 12 2025 й.

1. Ушбу чиқарилишдаги эгасининг номи ёзилган акциялар тури (оддий ёки имтиёзли): **оддий.**
2. Ушбу акциялар чиқарилишининг шакли: **ҳужжатсиз.**
3. Ушбу чиқарилишдаги акцияларнинг номинал қиймати (сўм): **1 000 (минг) сўм.**
4. Ушбу чиқарилишдаги акцияларнинг сони (дона): **10 000 000 (ўн миллион) дона.**
5. Ушбу чиқарилишнинг умумий ҳажми (сўм): **10 000 000 000 (ўн миллиард) сўм.**
6. Ушбу чиқарилишдаги акциялар эгаларининг ҳуқуқлари:
Акциядорлар:
 - акциядорларининг реестрига киритилиш;
 - депо ҳисобварағидан ўзига тааллуқли кўчирма олиш;
 - жамият фойдасининг бир қисмини дивидендлар тарзида олиш;
 - жамият тугатилган тақдирда ўзларига тегишли улушга мувофиқ мол-мулкнинг бир қисмини олиш;
 - акциядорларнинг умумий йиғилишларида овоз бериш орқали жамиятни бошқаришда иштирок этиш;
 - жамиятнинг молия-ҳўжалик фаолияти натижалари тўғрисида тўлиқ ва ишончли ахборотни белгиланган тартибда олиш;
 - олган дивидендини эркин тасарруф этиш;
 - қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органида, шунингдек судда ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш;
 - ўзига етказилган зарарнинг ўрни қопланишини белгиланган тартибда талаб қилиш;
 - ўз манфаатларини ифодалаш ва ҳимоя қилиш мақсадида уюшмаларга ва бошқа нодавлат ноtijорат ташкилотларига бирлашиш;
 - жамият акциядорлари ўртасида уларнинг ҳуқуқларини амалга ошириш тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига белгиланган тартибда корпоратив шартнома тузиш;
 - қимматли қоғозларни олишда зарар кўриш, шу жумладан бой берилган фойда эҳтимоли билан боғлиқ таваккалчиликларни суғурта қилиш ҳуқуқига эга.
- Акциядорлар қонунчиликка ва жамият уставига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.
7. Ушбу чиқарилишдаги акцияларни олинишига нисбатан жамият уставига ва/ёки чиқарилиш тўғрисидаги қарордаги ҳар қандай чеклашлар:

Ушбу чиқарилишдаги акцияларни олиншига нисбатан жамият уставида чеклашлар мавжуд эмас.

Ушбу чиқарилишдаги акциялар “СНОУКНОНА” АЖ Кузатув кенгаши мажлисининг 2025 йил “22” декабрдаги 6-2025-сон баённомасига асосан ёпиқ обуна усулида жамият акциядорлари Парпиев Бобиржон Батирович ва Ахмедов Бехзод Морифджоновичлар ўртасида жойлаштирилади.

8. Жамият устав капиталининг миқдори (сўм): 10 000 000 000 (ўн миллиард) сўм.

9. Илгари жойлаштирилган акциялар сони (турлари бўйича тақсимланган ҳолда кўрсатилади): Жамият томонидан 10 000 000 (ўн миллион) дона оддий акциялар чиқарилган ва жойлаштирилган.

10. Илгари жойлаштирилган облигациялар сони (турлари ва кўринишлари бўйича тақсимланган ҳолда кўрсатилади): Жамият томонидан корпоратив облигациялар чиқарилмаган ва жойлаштирилмаган.

11. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг шартлари ва тартиби.

11.1. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг усули (очиқ ёки ёпиқ обуна):

Ушбу чиқарилишдаги акциялар ёпиқ обуна усулида “СНОУКНОНА” АЖ акциядорлари орасида қуйидагича жойлаштирилади:

Парпиев Бобиржон Батирович 8 000 000 дона ва Ахмедов Бехзод Морифджонович 2 000 000 дона оддий акцияларни олади.

11.2. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг муддати:

Акцияларни жойлаштириш қўшимча акциялар чиқарилиши тўғрисидаги қарор давлат рўйхатига олинган кундан бошлаб 90 кун ичида амалга оширилади.

Акцияларни жойлаштиришни бошлаш санаси: акцияларни имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқи яқунланган куннинг кейинги куни, лекин мазкур чиқарилишнинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги ахборот ошкор қилинган кундан икки ҳафтадан эрта бўлмаган санада.

Акцияларни жойлаштиришни тугатиш санаси: чиқарилишдаги сўнги акция жойлашган сана, лекин давлат рўйхатидан ўтказилган санадан бошлаб 90 кундан ошмаган муддат.

11.3. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг тартиби:

Ушбу чиқарилишдаги акциялар “СНОУКНОНА” АЖ ва унинг акциядорлари – Парпиев Бобиржон Батирович ва Ахмедов Бехзод Морифджонович ўртасида биржадан ташқари уюлмаган бозорда фуқаролик-ҳуқуқий битимлар тузиш ҳамда мазкур битимларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказиш йўли билан жойлаштирилади.

Мазкур чиқарилишдаги акцияларни жойлаштиришда қимматли қоғозларни жойлаштириш бўйича хизмат кўрсатувчи қимматли қоғозлар бозори профессионал иштирокчиларини (андеррайтерларни) жалб қилиш кўзда тутилмаган.

11.4. "Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси" АЖ ва қимматли қоғозларга бўлган ҳуқуқларни ҳисобга олишни амалга оширувчи инвестиция воситачисининг ташкилий-ҳуқуқий шаклини ўз ичига олган тўлиқ фирма номи, жойлашган жойи, почта манзили, телефони:

Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси ҳақида маълумот:

Тўлиқ номи: "Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси" АЖ;

Ташкилий ҳуқуқий шакли: Акциядорлик жамияти;

Жойлашган жойи ва почта манзили - 100170, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Мустақиллик шоҳ кўчаси 107 уй;

телефон: (71) 267-37-42, Факс: (71) 267-36-87. e-mail: info@uzcsd.uz,
вэб манзили: www.uzcsd.uz.

Ҳуқуқларни қайд этадиган инвестиция воситачиси ҳақида маълумот:

Тўлиқ номи: "Portfolio Investments" масъулияти чекланган жамияти

Ташкилий -ҳуқуқий шакли: Масъулияти чекланган жамият.

Манзил ва почта манзили: Ўзбекистон Республикаси, 100170, Тошкент шаҳри, Мустақиллик шоҳ кўчаси, 107-уй,

Телефон: 998(71)267-75-75, e-mail: info@piamg.uz, веб манзили: www.piamg.uz. 2018 йил 23 январдаги лицензия №1298

11.5. Ушбу чиқарилишдаги жойлаштирилаётган акцияларни олишга бўлган имтиёзли ҳуқуқни амалга ошириш тартиби:

Жамият томонидан акцияларни жойлаштиришда овоз берувчи акцияларнинг эгалари бўлган акциядорлар уларни имтиёзли равишда олиш ҳуқуқига эга. Имтиёзли ҳуқуққа эга бўлган шахсларнинг рўйхати қимматли қоғозларни чиқариш тўғрисидаги қарор қабул қилинган санадаги, яъни 2025 йил 22 декабр ҳолатига шакллантирилган жамият акциядорлари реестрининг маълумотлари асосида тузилади. Имтиёзли ҳуқуқнинг амал қилиш муддати тегишли ахборот эълон қилинган кундан бошлаб 14 кунни ташкил этади. Бунда, акциялар чиқарилиши давлат рўйхатидан ўтган кундан бошлаб беш иш куни мобайнида, Жамият акциядорларни оммавий ахборот воситаларида эълон қилиш орқали жойлаштирилаётган акцияларни сотиб олишда уларнинг имтиёзли ҳуқуқидан фойдаланиш имконияти тўғрисида хабардор қилади. Эълонда жойлаштирилаётган акцияларнинг сони, уларни жойлаштириш нархи, ҳар бир акциядор сотиб олишга ҳақли бўлган акцияларнинг сонини аниқлаш тартиби, акциядорларнинг бу ҳуқуқи амал қиладиган муддат ва уни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги маълумотлар бўлиши лозим. Имтиёзли ҳуқуққа эга бўлган акциядор акцияларни сотиб олиши тўғрисида ўзининг

исми-шарифи (номи) ва яшаш жойи (жойлашган ери), ўзи оладиган акцияларнинг сони кўрсатилган ёзма шаклдаги аризани ва ҳақ тўлаганлик тўғрисидаги ҳужжатни Жамиятга юбориш орқали ўз имтиёзли ҳуқуқини тўлиқ ёки қисман амалга оширишга ҳақли. Бундай ариза мазкур имтиёзли ҳуқуқнинг амал қилиш муддати ичида Жамиятга тақдим этилиши керак. Имтиёзли ҳуқуқнинг амал қилиш муддати, агар бу муддат ўтгунига қадар Жамиятнинг барча акциядорларидан имтиёзли ҳуқуқдан фойдаланиш тўғрисида ёки ундан фойдаланишдан воз кечиш ҳақида ёзма равишда аризалар олинган бўлса, тугайди.

11.6. Ушбу чиқарилишдаги акциялар баҳоси (баҳолари) ёки жойлаштириш баҳосини белгилаш тартиби:

Ушбу чиқарилишдаги акциялар номинал қийматда 1 000 (минг) сўмдан жойлаштирилади.

11.7. Акцияларни тўлаш шартлари ва тартиби:

Акциялар учун тўловлар Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасида пул кўринишида нақдсиз ва нақд шаклда амалга оширилади.

Нақдсиз шаклдаги тўловлар қуйидаги ҳисоб рақамига ўтказилади:

100070, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳар, Яккасарой тумани, Шота Руставели кўчаси, 32А уй.

“Ориент Финанс” ХАТБ “Рақамли” БХМ;

Ҳ/р: 2020 8000 0052 1579 0001;

МФО: 01071;

100017, Тошкент шаҳри, Юнусобад тумани, Абдулла Қодирий кўчаси, 3 А;

СТИР: 307347685.

Нақд шаклдаги тўловлар «Ориент Финанс» ХАТБнинг исталган филиалида банк кассалари орқали топширилади.

11.8. Ушбу акциялар чиқарилиши амалга ошмаган ёки ҳақиқий эмас деб топилган тақдирда эмитент томонидан акциялар тўлови сифатида олинган воситаларни қайтариш тартиби:

Мазкур чиқарилишдаги акцияларнинг олтмиш фоизидан кам қисми уларни чиқариш тўғрисидаги қарорда белгиланган муддатда жойлаштирилган тақдирда мазкур чиқарилиш амалга ошмаган деб эътироф этилади.

Акциялар чиқарилиши амалга ошмаган ёки ҳақиқий эмас деб топилган тақдирда, жамият томонидан мазкур ҳолат бўйича расмий тарзда оммавий ахборот воситалари орқали, шу жумладан жамиятнинг расмий веб-сайтида

(iwon.uz) va Korporativ axborot yagona portaliда (www.openinfo.uz) эълон қилинади.

Акциялар чиқарилиши амалга олмаган ёки ҳақиқий эмас деб топилган кундан бошлаб, 10 кун мобайнида акциялар учун қабул қилинган тўловлар ўрнатилган тартибда акциядор томонидан қайси шаклда тўлов амалга оширилган бўлса айна ўша шаклда (нақдсиз шаклда ҳисоб-рақамларига ўтказиш ва нақд шаклда «Ориент Финанс» ХАТБнинг исталган филиалида банк кассалари орқали пул кўринишида қайтарилади.

12. Эмитент томонидан қимматли қоғозлар чиқарилиши (қўшимча чиқарилиши) тўғрисидаги ахборотни Ўзбекистон Республикаси қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ ошкор қилиш тартиби:

Жамият фаолиятида муҳим фактлар вужудга келганлиги тўғрисидаги маълумотлар икки иш куни ичида жамиятнинг расмий веб-сайтида (iwon.uz), ва Корпоратив ахборотнинг ягона порталида (www.openinfo.uz) ошкора этилади.

Барча манфаатдор шахслар қўшимча акциялар чиқариш тўғрисидаги қарорнинг асл нусхаси билан жамиятга ташриф буюриб иш кунлари соат 09:30 дан 17:00 гача танишишлари мумкин.

Манфаатдор шахслар қўшимча акциялар чиқариш тўғрисидаги қарорнинг нусхасини жамият номига ёзма сўровнома юбориш орқали олишлари мумкин.

13. Бошқа маълумотлар. Кўзда тутилмаган.